

Хизмат сафари 4-8 июнь 2023 йил, Россия Федерацияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”нинг 45-бандига мувофиқ Кимё саноати, Электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида муҳандислик мактабларини ташкил қилиш вазифаларини ижросини таъминлаш топшириғи берилди. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023-йил 31-майдаги 01-18-3167-сонли хати ижроси бўйича хизмат сафари ташкил этилди.

Хизмат сафари 2023 йилнинг 4-8 июнь кунлари Россия Федерациясида бўлиб ўтди. Корхоналар ва таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректори **Шернаев** Анвар Нормаматович 2023 йилнинг 4-8 июнь кунлари Россия Федерациясининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида хорижий хизмат сафарида бўлиб келди.

Хизмат сафари давомида Ўзбекистон Республикасида илғор муҳандислик мактабларини жорий қилиш бўйича Россия Федерациясининг “ММФИ” Миллий тадқиқот ядро университети федерал автоном олий таълим муассаси, “Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё технология университети” федерал бюджет олий таълим муассасаси ҳамда Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университети тажрибалари ўрганилди.

ИШЧИ ГУРУХ АЪЗОЛАРИ

1. Тошкент давлат техника университети ректори С.Турабджанов
2. Тошкент кимё-технология институти проректори А.Шернаев
3. “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ижрочи директори Ш.Абдукамилов
4. Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ижрочи директори Б.Нурматов
5. “Ўзкимёсаноат” АЖ Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи В.Арипов
6. Энергетика вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси Х.Куйжанов
7. Тошкент давлат техника университети Электр энергетикаси факультети декани Ж.Тошов



Содержание
Директор-генеральный директор ООО "Сбербанк России"

